



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT YIG'ILISHI BAYONI

2024-yil 15 may

№ 3

Toshkent sh

**Хайъат раиси
Иштирок
этдилар:**

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев
Т.Бутунбаев, Р.Қаршиев, Д.Ходжихмедов, А.Ўразкелдиев,
М.Наджимов

Қатнашганлар:

**Республика
студиясида:**

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хайъат аъзолари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошликлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари хавза бошқармалари бошликлари, Вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ва мелиорация коллежлари директорлари, Оммавий ахборот воситалари ходимлари
(*рўйхат бўйича*)

**Худудий
студияларда:**

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари хавза бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, йирик гидротехник иншоотлар ва сув омборлари, ирригация тизим бошқармалари, туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари ҳамда “Ўзсувқурилиш” АЖ таркибидаги масъулияти чекланган жамиятлар раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

Хайъат раиси кун тартибига киритилган масала билан хайъат йиғилиши қатнашчиларини таништирди ва муҳокамага қўйди. Йиғилиш кун тартиби ва иш регламенти хайъат аъзолари томонидан тўлиқ овоз билан тасдиқланди.

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг 4 ойи давомида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳамда эришилмаган натижалар, 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан барча даражадаги раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳақида

(Хамраев, Бутунбаев, Қаршиев, Ходжихмедов, Жузбаев, Файзиллаев, Турдиев, Сиддиков, Убайдуллаев, Боймирзаев, Бойсариев, Камиров, Алимов, Қурбонов, Турсунов, Тоиров, Хамраев)

Кун тартибидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Т.Бутунбаев, вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев ва Д.Ходжихмедовлар томонидан тақдим этилган ахборот ва маълумотларни тинглаб, қайд этилган хато-камчиликлар ва қолоқликларни зудлик билан бартараф этиш,

Ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор килди:

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, ирригация тизим бошқармалари ва туманлар ирригация бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида 4 ой давомида амалга оширилган ишлар **қониқарсиз деб топилсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндошганлиги ҳамда жорий йилнинг 4 ойлиги топшириқлари ижросини таъминлаш борасида хато-камчиликларга ва жиддий колоқликларга йўл қўйганлиги учун Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Холбоевнинг эгаллаб турган **лавозимидан озод этилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин, Қуйи-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Д.Ражабов **эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5-сон қарори билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижросини тизимли равишда ташкил этмаганлиги, топшириқлар ижросига эътиборсизлик билан ёндошганлиги ва хато-камчиликларга йўл қўйганлиги учун Қуйи-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Убайдуллаев ҳамда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Бойсариевларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасининг биринчи қисми 2-бандига асосан **ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз (30) фоизи миқдорида жазима** қўлланилсин.

4. Сувни тежайдиган, илмий ва инновацион технологияларни жорий қилиш бошқармаси бошлиғи в.б. Д.Қдирбаев, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи в.б. Д.Аликулова ҳамда Юридик бўлим бошлиғи Р.Шароповлар ушбу ҳайъат йиғилиши қарори билан билан интизомий жавобгарликка тортилган раҳбарларга нисбатан қўлланилган жазони расмийлаштириш бўйича **2 кун муддат ичида** “Интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида”ги буйруқ лойиҳасини киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 майдаги “Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматлари сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида”ги 36-сонли йиғилиши баёни топшириқлари **раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.**

6. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари хавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари, Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, магистрал каналлар, сув омборлари ва сел-сув омборлари ҳамда хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектлари, ирригация тизим бошқармалари ҳамда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари раҳбарларига:

3 кун муддатда жойларда жорий йилнинг 4 ойи давомида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, эришилмаган натижалар ҳамда ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалаларни танқидий руҳда муҳокама қилиб, уларни зудлик билан бартараф этиш ва ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан вилоят, туман ва ҳар бир сув хўжалиги объекти кесимида чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, вазирликка тақдим қилиш ҳамда унинг ижроси ҳақида **ҳар ой якуни билан** вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим қилиб бориш;

5 кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар Адлия бошқармалари ва етук ҳуқуқшуносларни жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида”ги ПФ–74-сон Фармони мазмун-моҳиятини барча даражадаги раҳбар-ҳодимларга етказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва ҳар бир туман кесимида ўқув-семинарлар ташкил этиш;

5 кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар ирригация тизимлари хавза бошқармалари биносида “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини мезанизациялаш муҳандислари институти” миллий-тадқиқот университети профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари раҳбар ва ҳодимларини, туманлардаги мироблар, участка гидротехниклари ҳамда гидрометрларнинг 3 кунлик ўқишларини ташкил этиш, бунда асосий эътиборни сувнинг ҳисоб-китобини тўғри юритиш, замонавий сув ўлчаш қурилмаларидан фойдаланиш, сув хўжалигининг махсус хизматини ҳамда гидрометрия хизматини ташкил этиш масалаларига эътиборни қаратиб, уларнинг *гидравлика (7 та формула), гидрометрия ва гидромодул* масалалари бўйича тўлиқ тушунчага эга бўлишини таъминлаш;

5 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқлар доирасида жорий йилда давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериладиган сув хўжалиги объектлари бўйича ҳар бир сув хўжалиги объекти кесимида ижро муддатлари ва ижрочилари белгиланган режа ишлаб чиқиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан келишилган ва тасдиқланган ҳолда вазирликка тақдим қилиш;

5 кун муддатда сув истеъмолчилари билан уларга ажратилган сув олиш лимитлари доирасида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларнинг тузилишини ҳамда уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

5 кун муддатда суғориш қудуклари ва вертикал дренаж қудукларига боғланган майдонларда тўлиқ сув тежовчи технологиялар (эгилувчан қувур ва лазер текислаш) жорий қилиш, фермер хўжаликларига таркатилган эгилувчан қувурлардан

фойдаланган ҳолда суғориш ишларини ташкил қилиш, молиялаштириш масаласини якунлаш ҳамда натижаси бўйича вазир номига ёзма равишда ахборот тақдим қилиш;

20 майга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 майдаги “*Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматлари сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида*” ги 36-сонли йиғилиши баёнида кўрсатилган 318 га майдонда жойлашган 365 та сув хўжалиги объектларини давлат рўйхатидан ўтказилишини сўзсиз таъминлаб, натижаси ҳақида вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим қилиш;

10 кун муддатда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари томонидан сув олиш лимитлари ва сувдан фойдаланиш режаларини истеъмолчилар кесимида ишлаб чиқиб, тасдиқланган ҳолда вазирликка тақдим қилиш;

10 кун муддатда 2024 йилга белгиланган режа-прогноз кўрсаткичларига мувофиқ сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича қурувчи корхоналар билан пудрат шартномаси тузиш ишларини якунлаш ҳамда натижаси вазир номига ёзма равишда ахборот тақдим қилиш;

15 кун муддатда молиялаштириш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишлари якунланмай қолган майдонларни фермер хўжаликлари ва қурувчи корхоналар кесимида чуқур таҳлил қилиш ҳамда қисқа фурсатларда қурилиш ишларини якунлаш чораларини кўриш;

ҳар ўн кунда сув хўжалиги тизим ташкилотлари ҳисобидаги вилоятлараро ва туманлараро гидростлар тўғрисидаги (жойлашган манбаси, пикети, гидрост тури, сув ўтказиш қобилияти, жиҳозланиши) маълумотларни аниқлаш ва ягона маълумотлар базасига киритиб борилиши юзасидан ҳисоботларни тақдим этиш;

ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 3 санасига қадар иктисод килинган электр энергияси миқдорлари бўйича вазирликка тегишли ҳисоб-китоблар билан асосланган ҳисоботларни тақдим қилиш;

ҳар ойда электр энергияси учун ҳақиқатда ажратилган маблағлар бўйича насос станцияларни ишлатиш юзасидан тегишли графикларни ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари томонидан тасдиқлатиш ва шу асосида насос станцияларни ишлатилишини сўзсиз таъминлаш;

насос станцияларга ўрнатилиши режалаштирилган электродвигател, қуёш электр панеллари, қуёш сув иситиш қурилмалари, конденсатор қурилмаларини ҳамда частота ўзгартирувчи қурилмаларни сотиб олинишини ва ўрнатилишини тўлиқ таъминлаш;

доимий равишда ишлаётган қудуқларни назорат қилиб, унга боғланган майдонларга сув тежовчи суғориш технологиялари жорий қилмаган бўлса уларни дарҳол ўчириш чораларини кўриш;

1 июнга қадар ажратилган сув олиш лимитлари доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хизмат кўрсатиш ҳудудидаги ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар), туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари, алоҳида аҳамиятга эга бўлган сув объектларининг сув манбалари, иктисодиёт тармоқлари ва маъмурий ҳудудлар бўйича уларнинг сувга бўлган талаблари асосида белгиланган сув олиш лимитлари ва сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлаб, ҳар бир сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиларига етказиш;

1 июнга қадар сув чиқариш иншооти тоннели деворларидан сувнинг филтрациясига қарши инъекция ишлари ва дарвозаларининг (затворларининг) резинали зичлагичларини алмаштириш ишларини якунлаш, дренаж тизимини ишчи ҳолатга келтириш ҳамда филтрация сувларини олиб кетувчи коллекторнинг тозалаш,

асосий ва захира электр тармоқларини автоматик равишда улаш-ўчириш қурилмаси билан жиҳозлаш, сув омборининг сув чиқариш иншооти гидромеханика ва электр ускуналарини алмаштириш ва янгилаш, сув чиқариш иншоотини таъмирлаш ва дарвозаларини (задвижкаларни) алмаштириш ҳамда фавқулодда сув ташлаш иншоотларидаги дарвозаларнинг (затворларнинг) металл қисмларини коррозиядан ҳимоялаш ишларини якунлаш;

1 июнга қадар сув хўжалиги соҳасига рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича 2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва индикаторлар ижросини таъминлаш мақсадида, ўрнатиладиган рақамли қурилмаларни сотиб олиш учун талаб этиладиган маблағларни тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш;

15 июнга қадар ўрнатилаётган рақамли қурилмаларни вазирлик серверлари билан доимий боғланишини ва техник топшириқ талабларига тўлиқ мос келишини таъминлаш;

2024 йилнинг IV чорагига қадар вазирлик тасарруфидаги вилоятлараро ва магистрал каналлардаги мавжуд гидротехник иншоотларнинг **камида 30,0 фоизини** автоматлаштиришни ташкил этиш;

йирик гидротехника иншоотлари, шу жумладан, вилоятлараро ва магистрал каналларда сувни бошқариш ва сувнинг ҳисобини юритувчи ходимлар учун махсус уй (старушка)лар қурилишини ташкил этиш;

мавжуд суғориш тармоқларини, шу жумладан, магистрал каналлар, ирригация тизимлари, ички хўжалик суғориш тармоқларини, насос станциялари, суғориш ва мелиоратив кудукларни 2024 йил вегетация мавсумига тўлиқ тайёрлаш, узлуксиз, тўлиқ ва кафолатли ишлашини таъминлаш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектлари хавфсизлик декларацияларини ишлаб чиқирилишини, сув омборлари ва сел-сув омборлари ҳамда хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектлари хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш, сув омборида фавқулодда вазиятлар учун захира ресурсларини ҳамда шахсий ҳимоя ва кутқарув асбоб-анжомлари захирасини яратиш, сув омборлари ва сел-сув омборлари ҳамда хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларида авария-захира материалларини яратиш ҳамда керакли асбоб-ускуналар билан босқичма-босқич жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

дарёлар, табиий кўллар ва сойлар фойдаланишидаги сув фонди ер майдонларини сув хўжалиги ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб бериш;

сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобидаги бино-иншоотлар ва улар атрофидаги қаровсиз ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ушбу ер майдонларини, ариқ ва зовурларни биринчи навбатда сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган ёшларга ва ишчи-хизматчиларга шартнома асосида бириктириб бериш, манзарали дарахт ва декоратив гуллар, шунингдек мева, сабзавот ва полиз экинлари экилишини таъминлаш, экилган манзарали дарахт ва декоратив гуллар, шунингдек мева, сабзавот ва полиз экинларини сақлаш ва парваришлаш учун масъул бўлган ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш чораларини белгилаш;

вазирликнинг жорий йил 24 апрелдаги “Вазирлик тизимидаги ташкилотлар балансидаги бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида”ги 94-сонли буйруғи ижросини таъминлаш;

ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари тўлиқ якунлангач, уларни фойдаланишга топшириш олдидан маҳалла оксоколлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали тадбирлар ўтказиш ва уларни вазирликнинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ёритилишини ташкил этиш;

вазирликнинг расмий веб-сайти, матбуот котибининг Телеграм ижтимоий тармоғидаги канали, Facebook ижтимоий тармоғини сув хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча даражадаги раҳбар-ходим ва ишчилар томонидан ҳар куни кўриб чиқилишини ва ўқиб борилишини ташкил этиш ҳамда вазирлик фаолиятига оид муҳим воқеалар ва тадбирларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида, вазирликнинг расмий веб-сайти, матбуот котибининг Телеграм ижтимоий тармоғидаги канали, Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида изчил ёритиб борилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

7. Вазирнинг биринчи ўринбосари Т.Бутунбаев, вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Д.Ходжаахмедов, Х.Қувондиқов, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга вазирликдан масъул (*куратор*) қилиб бириктирилган масъул ходимларга:

2024 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари хавза бошқармалари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари, Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, Мелиоратив экспедициялар, магистрал каналлар, сув омборлари ва сел-сув омборлари ҳамда хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектлари, ирригация тизим бошқармалари ҳамда туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари кесимида тизимли ишларни ташкил этиш;

ҳар 10 кунда жорий йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини вазирликнинг ZOOM платформаси орқали видеоконференцалоқа (ВКА) шаклида танқидий руҳда муҳокама қилиб, барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатларида белгиланган топшириқлар ва тадбирларнинг ижросини ўрнатилган муддатда, тўлақонли, сифатли таъминламаган, шунингдек, топшириқларнинг ижроси кечикишига йўл қўйган раҳбар-ходимларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан таклиф (*вазирлик буйруқ лойиҳасини*) киритиб бориш вазифалари топширилсин.

8. Ушбу ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини ташкил қилишни вазирнинг тегишли ўринбосарларига юклаб, уни назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Мазкур қарор лойиҳаси ҳайъат аъзолари томонидан билдирилган таклифлар асосида тўлғазилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ҳайъат раиси



Ш.Хамраев